



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 30 апрель, № 85 (9256)

Пайшанба Сайтига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ГИДРОЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 29 апрель куни гидроэнергетика соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан тақдирот билан танишди.

Ўзбекистонда 150 минг километрдан ортиқ дарёлар, сойлар ва каналлар мавжуд. Бу манбалар нафақат ичимлик суви ва сугориш, балки энергетика, иқтисодиёт ҳамда экология нуктаи назаридан ҳам стратегик аҳамиятга эга.

Бугунги кунда электр энергияси ишлаб чиқаришнинг катта қисми табиий газ ва кўмирга боғлиқ. Гидроэнергия улуши эса 10 — 12 фоиз атрофида. Шу боис гидроэнергетикани ривожлантириш энергия тизимини барқарорлаштириш, ёқилги ресурсларига боғлиқликни камайтириш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишда муҳим ўрин тутди.

Сўнгги йилларда соҳада салмоқли натижаларга эришилди. 2017 йилда 36 та бўлган гидроэлектр станциялар сони 2025 йилда 100 тага етказилди. Уларнинг умумий қуввати 1,6 гаваттдан 2,4 гаваттгача ошди.

Марказий Осиёда ягона бўлган гидроагрегат ва технологик усунуналар ишлаб чиқарувчи "UzHydroPower" заводи ташкил этилди. Утган йили ишга туширилган Норин ГЭСлар каскадининг биринчи босқичи илк мартаба "миллий лойиҳа" моделига асосан амалга оширилиб, барча

жараёнлар тўлиқ маҳаллий корхоналар томонидан бажарилди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз гидроэнергетика салоҳиятининг катта қисми ҳали ишга солинмагани қайд этилди. Аҳоли ва иқтисодиёт ўсиши билан электр энергиясига талаб ошиб бораётганини ҳисобга олиб, бу салоҳиятдан тўлиқ, ҳар бир дарё, сой ва каналларда фойдаланиш ҳамда янги қувватларни жадал ишга тушириш зарурлиги таъкидланди.

Тақдиротда 2026 — 2032 йилларда умумий қиймати 5,8 миллиард доллар бўлган 73 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш режалари кўриб чиқилди. Бунинг натижасида кўшимча 3,6 гаватт қувват яратилиши кўтилмоқда.

Жорий йилда 13 та ГЭСни фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Уларнинг умумий қуввати 114 мегаватт, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми эса 537 миллион киловатт-соатни ташкил этади.

Мазкур лойиҳалар доирасида 254 та иш ўрни яратилади. Бунга кўшимча Бўстонлик туманида 28 миллион долларлик грантлар ҳисобидан 20 мегаватт қувватли шамол электр станцияси қурилмоқда.

Йирик лойиҳалар қаторида Бўстонлик туманидаги Юқори Пском ГЭС қурилиши алоҳида аҳамиятга эга. Қиймати 365 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳанинг қуввати 160 мегаватт, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 484 миллион киловатт-соат бўлади. Бу 161 минг хонадонни электр энергияси билан таъминлаш имконини беради. Лойиҳада маҳаллий компонентлар улуши 82 фоизни ташкил этади.

Фарғона вилоятининг Сўх туманида "миллий лойиҳа" таъминоти асосида Сўх ГЭС қурилиши режалаштирилган. Қуввати 15 мегаватт бўладиган ушбу станция йилига 50 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариб, тумандаги электр эҳтиёжининг 71 фоизини барқарор таъминлашга хизмат қилади.

Юқори Тўполанг ҳудудининг гидроэнергетика салоҳияти ҳам кўриб чиқилди. "Тўполанг" сув омборига қўйиладиган дарё ва сойларда 42 та кичик ГЭС қуриш орқали 541 мегаватт қувват яратиш, йилига қарий 1,9 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

Дунё амалиётида гидротўплаш электр станцияларини қуриш орқали энергияни сақлаш ва қайта тақсимлаш тизимлари кенг жорий этилаётгани таъкидланди. Мамлакатимизда ҳам илк бор умумий қуввати 1,4 гаватт бўлган 3 та шундай станцияни барпо этиш имкониятлари кўриб чиқилмоқда.

Шунингдек, умумий қуввати 164 мегаватт бўлган 2983 та кичик ва микроГЭС қуриш режалари муҳокама қилинди. Рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ҳам соҳа самардорлигини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида белгиланди. Сув омборлари ва гидроиншоотларда сув сатҳи, сув ҳажми, босим, метеомоноиторинг ва ишлаб чиқариш жараёнларини онлайн кузатиш имконини берувчи рақамли мониторинг тизимлари босқичма-босқич жорий этилади. Ҳозирда сув омборларининг хавфсизлигини таъминлаш учун 3,5 мингта назорат-ўлчов аппаратлари ўрнатилган.

Давлатимиз раҳбари гидроэнергетика соҳасидаги лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

Тақдиротда пойтахт ҳудудидан оқибатдаги дарё ва каналлар бўйларини ободонлаштириш, шаҳарда салқин микроклимат яратиш мақсадида сунъий кўл ва ҳавзалар барпо этиш бўйича ишлар тўғрисида ҳам ахборот берилди.

Жумладан, Чирчиқ дарёсининг пойтахт ҳудудидан ўтувчи 16 километр қисмини ободонлаштириш ҳисобига 306 гектар ер майдонидан "Дарё бўйи" лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

Лойиҳа доирасида дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш, яшил ҳудудлар барпо этиш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштириш ишлари амалга оширилади. Бектемир канали бўйида 187,3 гектар майдонда "яшил белбоғ" яратилади, сайилгоҳлар барпо этилади. Пиёдалар ва велойўлақлар, ички йўллар, ёритиш тизимлари ҳамда кўприклар қурилади.

Пойтахтда 4 та сунъий кўл ва сув ҳавзаларини ташкил этиш лойиҳаси ҳам тақдирот қилинди. Президентимиз аҳоли учун қулай шароитлар, шаҳарда салқин микроклимат яратишга бу камлик қилишини қайд этиб, қўллар сонини 12 тага етказишни топширди.

Ў.А.

ЧЕХИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабиш 29 апрель куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Олий мартабали меҳмонни "Тошкент-Ҳумо" халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Шундан сўнг Олий мартабали меҳмон "Янги Ўзбекистон" боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Мамлакатимиз ўтмиши ва келажаги тимсоли саналган Мустақиллик монументи Янги Ўзбекистон маънавиятининг гултоғидир. У ерда камолот соҳиблари бўлмиш аждодларимиз сиймоси акс этган.

Чехия Бош вазири умрини юрт тараққиёти, эл фаровонлиги йўлида илм-маърифат билан ўтказган аждодларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Юртимиз тарихи, дунё тамаддунига ҳисса қўшган болболаримиз маърифати ҳақида маълумот берилди.

Тошкент шаҳрида Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабишнинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида икки давлат ишбилармон доираларининг кўшма бизнес форуми ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабиш иштирок этди.

Форумда икки мамлакатнинг етакчи саноат корхоналари, инвестиция компаниялари ва молиявий тузилмалари вакиллари жам бўлди. Хусусан, Чехия делегацияси таркибидан машинасозлик, энергетика, кимё, фармацевтика ва транспорт-логистика соҳаларида фаолият юритувчи 50 дан ортиқ йирик компаниялар раҳбарлари жой олди.



Учрашув

АМАЛИЙ МАЗМУН КАСБ ЭТАЁТГАН ШЕРИКЛИК

Ўзбекистон ва АКШнинг Юта штати ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга бағишланган тадбир доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева мазкур штат Сенати Раиси Стюарт Адамс бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Мулоқотда Ўзбекистон ва Юта штати ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда изчил ривожланиб, парламентлараро алоқалар, таълим, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, гуманитар ҳамкорлик ва инсон капитали салоҳиятини ошириш каби йўналишларда янги босқичга кўтарилаётгани таъкидланди.

Томонлар мазкур шериклик амалий мазмун касб этаётганини ургулади. Хусусан, Юта штати вакиллари Ўзбекистонга доимий ташриф буюраётгани, икки томонлама алоқаларни кенгайтиришга қизиқиш ортиб бораётгани, шунингдек, таълим муассасалари, ишбилармон дои-

ралар ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамланаётгани таъкидланди.

Учрашув якунида томонлар ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, ўрнатилган алоқаларни институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш ва кўшма лойиҳаларни амалга оширишда мулоқотни давом эттиришга тайёр эканликларини билдирди. Шунингдек, меҳмон тарафи Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоевани ўзи учун қулай муддатда Юта штатига ташриф билан келишга таклиф этди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Спикер Н. Исмоиловнинг Грециянинг Ўзбекистондаги Фавқуллод ва мухтор элчиси Параскеви Цевелеки билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот аввалида меҳмон томонига янги тахрирдаги Конституция ва "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ислохотлар, Қонунчилик палатаси фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Элчи самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда барча соҳаларда — ижтимоий-иқтисодий, демократик янгиланишлар ва парламентаризмни ривожлантириш йўналишида олиб борилаётган ислохотларни юқори баҳолади.

Конструктив руҳда ўтган учрашувда икки мамлакат парламентлари ҳамкорлик муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва уни янада кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Томонлар икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш, жумладан, ўзаро ташрифларни ташкил этиш, дўстлик гуруҳлари имкониятларидан самарали фойдаланиш лозимлигини таъкидлади.

Учрашув очик ва дўстона руҳда ўтди.

«Халқ сўзи».

Мулоқот

ҚЎШМА ТАШАББУСЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзигул Қозиқонова "БМТ-аёллар" тузилмасининг Марказий Осиё бўйича мувофиқлаштирувчи офиси раҳбари Жерен Гувен Гуреш билан учрашув ўтказди.

Унда мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва гендер тенгликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида сўз юритилди.

Мулоқот чоғида Осиё хотин-қизлари иккинчи форумини юқори савияда ташкил этишга доир ташкилий масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Томонлар ўзаро ҳамкорлик юксак аҳамиятга эга эканини, унинг изчил ривожлантирилиши мазкур йўналишдаги алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлишини билдирди.

Шунингдек, бўлажак форум мазмунини бойитиш, уни амалий натижаларга йўналтириш ва якуний ҳужжатни аниқ тақлиф ҳамда тавсияларга асосланган

ҳолда ишлаб чиқиш масалаларига эътибор қаратилди. "БМТ-аёллар" тузилмаси мазкур ҳужжат лойиҳасини халқаро экспертлар иштирокида пухта ишлаб чиқишда амалий кўмак беришга тайёрлигини билдирди.

Форум доирасида халқаро экспертлар ҳамда юқори малакали амалиётчи мутахассисларни кенг жалб қилиш, панель сессиялар мавзуларидан келиб чиқиб, нуфузли маърузачилар иштирокини таъминлаш масалаларига ҳам ургу берилди.

Учрашув якунида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда гендер тенгликни ривожлантиришга қаратилган қўшма ташаббусларни изчил амалга оширишда яқдиллик билдирилди.

«Халқ сўзи».

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи ҳудуд иқтисодиётини диверсификация қилиш, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, замонавий қишлоқ ҳўжалиги, туризм, таълим ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган ислохотларнинг амалий натижаларини намойён этди.

Муносабат



Хусусан, "Crown Ceramic" қўшма корхонаси фаолияти билан танишув маҳаллий хомашё асосида импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини кўрсатди. Оддий хомашёни юқори қийматли маҳсулотга айлантириш, энерготехнамкор технологиялар, рақамлаштириш ва экологик ёндашувлар нафақат саноат самардорли-

гини, балки ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ҳам оширмоқда. Бу эса саноатлашувнинг янги босқичини англатади.

"Quva Agrostar" ва агровольтаика мажмуалари билан танишув қишлоқ ҳўжалигида анъанавий ёндашувдан комплекс агробизнес моделларига ўтиш бошланганини тасдиқлади.



ЧЕХИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Таъкидланганидек, сўнгги саккиз йил ичида Ўзбекистон ва Чехия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми икки баробарга ошди. Бугунги кунда мамлакатимизда Чехия капитални иштирокида 36 та кўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Фармацевтика, озиқ-овқат sanoati, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва туризм соҳалари ўзаро ҳамкорликнинг муваффақиятли йўналишлари сифатида қайд этилди.

Музокаралар доамида иқтисодий алоқаларни янги босқичга олиб чиқишнинг қатор истиқболли йўналишлари ҳақида сўз борди.

Чехия компаниялари мис ва бошқа рангли металлларни қазиб олиш, уларни чуқур қайта ишлаш ҳамда тоғ-кон техникаларини маҳаллийлаштириш лойиҳаларига тақлиф этилди.

Гидроэлектр станциялар қуриш, когенерация усуналарини ўрнатил, соҳани рақамлаштириш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича шерикликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистоннинг IT-парклари ва соҳадаги 100 мингдан зиёд мутахассислар салоҳиятидан фойдаланган ҳолда учинчи давлатлар бозори учун кўшма рақамли маҳсулотлар яратиш имкониятлари муҳокама қилинди.

Мамлакатимиздаги кимё кластерлар негизда минерал ўғитлар, полимерлар ва машина кимё воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, шунингдек, фармацевтика соҳасида кўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Икки давлатнинг географик жойлашуви стратегик аҳамиятга эга экани алоҳида қайд этилди. Бу Ўзбекистон учун Европа Иттифоқи бозорига, Чехия учун эса Марказий Осиё бозорига чиқишда дарвоза вазирасини ўтайди. Шу муносабат билан паритет асосида савдо уйлари ва логистика марказларини ташкил этиш тақлифи илгари сурилди.

Ўзбекистон томони чехиялик инвесторлар учун махсус sanoat паркларида яратилган имкониятлар ва Европа компаниялари учун тақдим этилаётган алоҳида имтиёزلарга тўхталди ўти.

Ўз навбатида, Чехия Бош вазири ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрглигини билдириб, аниқ инвестициявий тақлифларини тақдим этди.

Форум якунида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган қатор муҳим ҳужжатлар ва битимларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатимизга расмий ташир билан келган Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабиш нафақат юртимиз, балки бутун дунё гавҳарига

айланган Ўзбекистондаги Ислоҳ цивилизацияси марказига борди.

Марказ илмий, маърифий ҳамда тарихий нуқтаи назардан ўтмиш ва бугунги боғловчи кўприқдир. Бугун унинг фаолияти бутун дунё диққат марказида бўлиб келмоқда.

Бу ерга ташир Андрей Бабишнинг юртимизга амалга ошираётган икки кунлик ташири кейинги пайларда сусайган муносабатларга туртки беришдан иборат. Икки йил олдин Чехия ташир ишлар вазири Ян Липавскийнинг Тошкент ва Остонага ташири чоғида катта умидлар билан бир қатор иқтисодий келишувларга эришилган бўлсада, уларнинг аксарияти расмий протоколлар доирасида қолиб кетди. Бош вазири Андрей Бабиш бошчилигидаги бугунги миссия дипломатик декларацияларни аниқ иқтисодий кўрсаткичлар билан алмаштириш орқали бу вазиятни тўғрилади мақсад қилган. Ҳукумат раҳбарига энергетика, транспорт, машинасозлик ва мудофаа sanoati соҳаларида фаолият юритувчи 50 га яқин нуфузли компаниялар раҳбарлари ҳамкорлик қилаётгани фикримизнинг аққол тасдиғидир. Делегация таркибидан “CSG” мудофаа гуруҳи, “Explosia” ўқдори ишлаб чиқарувчи корхонаси, “Skoda Group” муҳандислик компанияси, “Aero Vodochody AeroSpace” ва “Ceska Zbrojovka” каби sanoat гигантлари ўрин олган. Чехия sanoat ва транспорт конфедерацияси (SPCR) маълумотларига кўра, сафардан асосий мақсад — чех экспортини ошириш ва янги инвестициявий имкониятларни излаш. Чехия компаниялари нафақат энергетика ва мудофаа, балки транспорт инфратузилмаси ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳам ҳамкорликни чуқурлаштириш ниятида. Бугунги кунда минтақада муваффақиятли ишлаган чех тадбиркорлари сони ортиб бораётгани, ушбу бизнес-миссия эса иқтисодий алоқаларни янги босқичга олиб чиқиши кутилмоқда.

Ўз минтақаларида, яъни Марказий Осиё ва Марказий Европада катта салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон ва Чехия бир-бири учун муҳим давлатлар. Ўзбекистон учун кучли sanoatлашган Чехия — Европа Иттифоқидаги энг ишончли ва юқори технология шериклардан бири. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилишда “Skoda”, “Tatra” ва “Zetor” каби брендлари билан дунёга машҳур Чехиянинг машинасозлик, дастгоҳсозлик ва электроника соҳасидаги бой тажрибаси ва сифатли технологиялари ўта зарур. У Ўзбекистон темир йўли тизимини янгилаш (масалан, замонавий электропоездлар етказиб бериш), жамоат транспорти ва авиация йўналишида мамлакатимизга муҳим шерик бўлиши мумкин.

Қолаверса, Чехия Ўзбекистон учун Европа бозорларига чиқишда зарур логистик ва сиёсий ҳаб вазирасини

Ўзаро савдони кўпайтириш, машинасозлик, “яшил” энергетика, кимё, фармацевтика ва транспорт соҳаларида кооперацияни кенгайтириш диққат марказида бўлади. Маданий-гуманитар ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинади.

Халқаро кун тартибидagi масалалар, шу жумладан, кўп томонлама майдонларда ўзаро қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабишнинг мамлакатимизга расмий ташири давом этмоқда.

Икром АБВАЛБОВЕВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Марҳабо ҲОЖИАҚБАРОВА,
ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон ва Чехия: ИККИ МИНТАҚАНИ БОҒЛОВЧИ СТРАТЕГИК КЎПРИК

2026 йилга келиб, Чехия юқори технологиялар ва “яшил” иқтисодиётга ўтиш орқали ўзининг минтақадаги мавқеини янада мустаҳкамлади. Бу жиҳати билан ҳам “яшил” иқтисодиётга ўтиш йўлида одимлаётган Ўзбекистон билан муштарак мақсадларга эга.

Чехия Бош вазири Андрей Бабишнинг юртимизга амалга ошираётган икки кунлик ташири кейинги пайларда сусайган муносабатларга туртки беришдан иборат. Икки йил олдин Чехия ташир ишлар вазири Ян Липавскийнинг Тошкент ва Остонага ташири чоғида катта умидлар билан бир қатор иқтисодий келишувларга эришилган бўлсада, уларнинг аксарияти расмий протоколлар доирасида қолиб кетди. Бош вазири Андрей Бабиш бошчилигидаги бугунги миссия дипломатик декларацияларни аниқ иқтисодий кўрсаткичлар билан алмаштириш орқали бу вазиятни тўғрилади мақсад қилган. Ҳукумат раҳбарига энергетика, транспорт, машинасозлик ва мудофаа sanoati соҳаларида фаолият юритувчи 50 га яқин нуфузли компаниялар раҳбарлари ҳамкорлик қилаётгани фикримизнинг аққол тасдиғидир. Делегация таркибидан “CSG” мудофаа гуруҳи, “Explosia” ўқдори ишлаб чиқарувчи корхонаси, “Skoda Group” муҳандислик компанияси, “Aero Vodochody AeroSpace” ва “Ceska Zbrojovka” каби sanoat гигантлари ўрин олган. Чехия sanoat ва транспорт конфедерацияси (SPCR) маълумотларига кўра, сафардан асосий мақсад — чех экспортини ошириш ва янги инвестициявий имкониятларни излаш. Чехия компаниялари нафақат энергетика ва мудофаа, балки транспорт инфратузилмаси ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳам ҳамкорликни чуқурлаштириш ниятида. Бугунги кунда минтақада муваффақиятли ишлаган чех тадбиркорлари сони ортиб бораётгани, ушбу бизнес-миссия эса иқтисодий алоқаларни янги босқичга олиб чиқиши кутилмоқда.

Ўзбекистон ҳам Чехия учун аҳамиятли давлат. Расмий Прага нуқтаи назаридан, Ўзбекистон — минтақавий етакчи ва янги имкониятлар бозори. Ўзбекистон — минтақанинг кўч марказида жойлашган ва барча қўшиллар билан чегарадош ягона давлат. Чехия компаниялари учун Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш — бу нафақат 38 миллионлик бозорга, балки қўшни давлатлар ва Афғонистон бозорига ҳам чиқиш демакдир. Ўзбекистон бой минерал ресурсларга (олтин, мис, уран,

зий Осиё хавфсизлигини таъминлашда Ўзбекистон учун қизиқарли ва самарали ҳисобланади. Чехиянинг Карлови Вари каби санатор-курорт тизими юрдошларимизга яхши таниш. Уни Ўзбекистонда қўллаш ва икки томонлама сайёҳлар оқимини кўпайтиришда ҳамкорлик истиқболлари мавжуд.

Қисқача айтганда, Ўзбекистон ва Чехия ўртасидаги ҳамкорлик — бу икки худуднинг иқтисодий жиҳатдан бир-бирини тўлдирди. Чехияга янги бозор ва хомашё керак бўлса, Ўзбекистонга замонавий технология ва сифатли инвестиция зарур. 2026 йилга келиб, икки давлат ўртасидаги товар айланишининг кескин ўсиши ва кўшма лойиҳаларнинг кўпайиши муносабатлар Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муваффақиятли ҳамкорлик намунаси бўлишидан далолат беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон экспортининг асосини хизматлар, sanoat моллари, тайёр маҳсулотлар, озиқ-овқат ва кимё маҳсулотлари ташкил этади. Ўз навбатида, Чехиядан импорт, асосан, машина ва транспорт усуналари, кимё sanoati маҳсулотлари ва sanoat молларидан иборат. Иқтисодий ҳамкорлик

“Чехия Ўзбекистон учун Европа бозорларига чиқишда зарур логистик ва сиёсий ҳаб вазирасини ўтайди. “GSP+” тизими доирасида чех тадбиркорлари билан кўшма корхоналар тузиш маҳсулотларимизни Европа стандартлари асосида экспорт қилиш имконини беради. Дунё рейтингда юқори ўринларда турувчи ва таълим тизими амалиётга йўналтирилган Чехия университетлари Ўзбекистон учун техник кадрлар тайёрлашда мақбул йўналишлардан биридир.

газ) эга. Чехия sanoati учун бу хомашё базасини диверсификация қилиш ва барқарор таъминот йўлини яратиш имкониятидир.

Ўзбекистондаги либераллаштириш ислохотлари чех инвесторлари учун қулай муҳит яратди. Энергетика, сув ҳўжалиги ва қишлоқ ҳўжалигини рақамлаштириш бўйича чех компанияларида катта лойиҳалар мавжуд. Икки мамлакат учун ҳам энг юқори самара берадиган йўналишлар бу, аввало, транспорт ва машинасозлик: темир йўл ва шаҳар транспорти (трамвай, автобус) паркинги янгилаш, Чехия технологиялари асосида Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиги техникаларини йиғини йўлга қўйиш шулар жумласидан. Иссиқлик ва гидроэлектр станцияларини модернизациялаш, ядровий энергетика соҳасида Чехия катта тажрибага эга бўлиб, бу Ўзбекистоннинг келажақдаги энергетик режалари учун аҳамиятли. Сувни тежовчи технологиялар, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва чорвачиликда зотдор молларни кўпайтиришда ҳам бу мамлакат катта салоҳиятга эга. Чехия мудофаа sanoati (авиация, радар тизимлари) Марка-

нинг амалий ўлчови кўшма корхоналар фаолиятида ўз аксини топади. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда Чехия капитални иштирокидаги компаниялар, жумладан, 100 фоиз хоржий корхоналар сонининг барқарор ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу чехиялик инвесторларнинг Ўзбекистон бозорига қизиқиши ортиб бораётгани ва бизнес юритиш учун қулай шароит яратилганидан далолат беради.

2025 йил 23 сентябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессияси доирасида Чехия Президенти Пётр Павел билан учрашув ўтказди. Бу турли соҳалардаги кўшма лойиҳаларга янги суръат бағишлаш имконини берди.

Ўзбекистон ва Чехия ўртасидаги алоқалар ҳар икки томон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Икки мамлакатнинг иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳамкорлиги уларнинг глобал миқёсдаги ўрнини мустаҳкамлайди. Чехия мамлакатимиз учун инвестор сифатида муҳим ҳисобланади, Ўзбекистон Чехия учун минтақага қириш дарвозаси ва стратегик бозор сифатида аҳамият касб этади. Ушбу алоқаларни ривожлантириш ҳар икки томоннинг келажаги учун фойдали бўлиши мумкин.

Тўлқин ТЕШАБОВЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА — ИНСОН ТАҚДИРИ

Янги Ўзбекистон тараққиёт йўлининг энг муҳим хусусиятларидан бири инсон манфаатларини таъминлашга давлат сиёсати даражасида ёндашилаётганидир. Ислохотларнинг дастлабки босқичидаёқ Президентимиз томонидан “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган қатъий тамойил илгари сурилди. Бу шунчаки қаҳриқ бўлиб қолмасдан, амалий қадамлар ташланди — Халқ қабулхоналари фаолияти йўлга қўйилди, парламент аъзолари ва давлат органлари учун аҳоли билан оқиқ мулоқот қилиш талаби кучайтирилди, фуқаролар муурожаатларига жойлардаги ҳолатни кўрсатувчи муҳим “сигнал” сифатида қарала бошланди.

Омбудсман минбари

Бугун бу масала янада катта аҳамият касб этмоқда. Чунки 2026 йилга келиб аҳоли нуфуси 38 миллиондан, меҳнатга лаёқатли юрдошларимиз сони эса 20 миллиондан ошди. Бу эса давлат органлари олдида одамларни тинглаш, уларнинг муурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва муаммоларини жойида ҳал этиш бўйича янада катта маъсулият юклайди.

Ўтган давр мобайнида қўллаб қувватлаш имкониятларини яратиш бора-сида муайян ишлар амалга оширилди. Аҳоли муурожаатлари билан ишлашга оид қонунчилик мустаҳкамланди, давлат идораларининг маъсулияти кучайтирилди, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, маҳкум ва маҳбуслар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ҳам муҳим ижобий ўзгаришлар юз берди.

Бу ёндашув 2026 йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятнинг юксалтириш йили” да устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида фуқаролар муурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларини

ҳимоя қилишда замонавий ёндашувларни қўллаш, Омбудсман ва унинг худудий вакилларини фаолиятини кучайтириш, мобил қабул кунлари ҳамда онлайн қабуллар тизимини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи давлат сиёсати кун тартибидан тушмаётганини яна бир бор кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари шу йил март ойда ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам муурожаатлар билан ишлаш масаласига алоҳида тўхталди, бундан буён “Ҳар бир инсон ва хонадон муаммосини билиб, вақтида кўмак бериш керак”, деган шир барча даражадаги раҳбарлар фаолиятида бош қолиб бўлиши шартлигини қайд этди. Шу билан бирга, муурожаатлар бўйича шунчаки жавоб қайтариш эмас, балки уларни келтириб чиқараётган омилларни аниқлаб, муаммоларни тизимли бартараф қилиш зарурлигига ургу берилди.

Ўз навбатида, шуни таъкидлаш жоиз, дунёдаги ҳеч бир давлат инсон ҳуқуқлари соҳасида барча масалалар тўлиқ ҳал этилди, деб айти олмайд. Чунки бу — бир марта эришиб тўхтаб қолинандиган эмас, балки доимий такомиллашуви талаб қиладиган узлуксиз жараён. Ҳаёт ўзгармоқда, жамият ривожланмоқда,

фуқароларнинг ҳуқуқий эҳтиёллари ҳам ортиб бормоқда. Демак, эришилган натижалар билан бирга, ҳал этилиши лозим бўлган ишлар ҳам доим бўлади.

Омбудсманнинг 2025 йил сарҳисоби ана шу икки жиҳатни — эришилган амалий натижаларни ҳам, тизим олдида турган долзарб вазибаларни ҳам аққол намоеъ этиди. Жумладан, 2025 йилда Омбудсман номига 26 372 та муурожаат келиб тушган бўлиб, бу 2024 йилдагига нисбатан 12,6 фоизга кўп. Эътиборли жиҳати, замонавий ахборот технологиялари орқали келиб тушган муурожаатлар сони 125 фоизга ошган. Бу, бир томондан, фуқаролар учун электрон шаклда муурожаат юбориш имкониятлари кенгайиб, уларга катта қулайлик яратилгани кўрсатса, иккинчи томондан, Президентимизнинг ахборот-коммуникация технологиялари ва сунъий интеллект имониятларини давлат бошқарувиға кен жорий этиш бўйича белгилаб берган вазибалари нақадар долзарб эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Бугунги кунда фуқаролардан келиб тушаётган муурожаатлар тизимли ўрғанилиб, улар асосида таҳлилий ахборотлар парламент палаталарига киририлмоқда. Бу эса халқнинг ишончли вакиллари ҳисобланган сенатор ва депутатларга ҳар бир худудда қандай масалалар долзарб эканини, қандай масалаларга эътибор қаратиш лозимлигини аниқлаш, шу асосда кейинги мақсад ва вазибаларни белгилашда муҳим манба бўлмоқда.

Энг муҳими, фуқаролар муурожаатлари таҳлили ва Омбудсманнинг мустақил ўрганишлари натижасида 2025 йилда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш янада мустаҳкамлашга қаратилган 3 та қонунчилик тақлифи ишлаб чиқилди. Қонунчилик палатасига киритилган битта тақлиф депутатлар томонидан қўрилиб, қабул қилинди. Шунингдек, Омбудсман тавсияси асосида давлат органлари томонидан 11 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга, Омбудсман таъ-

сир чоралари натижасида инсон ҳуқуқларини бузган 118 нафар масъул шахс интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилган. Бу эса қонун бузилишига йўл қўйган масъуллар ҳаракатиға ҳуқуқий баҳо берилаётганини кўрсатади.

Муурожаатлар таҳлилидан аёнки, уларнинг 32 фоизи иқтисодий ҳуқуқлар йўналишига тўғри келади. Хусусан, бу тоифадаги муурожаатларнинг аксарияти, банк-молия, хусусий мулк қафолатлари ҳамда меҳнат ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларға оид. Кейинги ўрини ижтимоий ҳуқуқлар (28 фоиз) йўналишидаги муурожаатлар эгаллайди. Уларнинг асосий қисми моддий ёрдам, ижтимоий таъминот ва муносиб турар-жиҳ билан боғлиқ масалаларға, шунингдек, таълим ҳуқуқига тааллуқли. Албатта, мамлакатимизда ижтимоий соҳаларға Давлат бюджетидан катта маблағлар йўналтирилаётгани, аҳолиға турли имтиёз ва имкониятлар яратилаётгани ҳам бу борада муурожаат ортшишга сабаб бўлади. Фуқаролар шу имкониятлардан фойдаланиш учун биринчи тақшилотларға муурожаат қиланган ҳолатлар ҳам бор. Шунинг учун фуқароларнинг имоният ва қафолатлардан фойдаланиши учун айнан қайси тақшилотларға муурожаат қилиши ҳақида уларнинг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Биз бу борада “Омбудсман мактаби”, “Омбудсман соати” ҳамда “Тенглик ва ҳурмат” платформаларидан фойдаланиб келмоқдамиз.

Қайд этиш лозимки, давлат дастурида ногиронлиги бўлган шахсларға тенг имониятлар яратиш, улар учун қулай ва тўқисиз муҳитни шакллантириш бўйича белгиланган вазибалардан келиб чиқиб, Омбудсман институти 2026 йил учун қатор устувор йўналишларни белгилаб олган. Шулардан бири — ногиронлиги бўлган шахсларнинг муурожаат қилиш ҳуқуқини амалда тўлиқ таъминлаш масаласи. Зеро, Омбудсманға ногиронлиги бўлган шахслар ва уларнинг қонуний вакиллари томонидан юборилган муурожаат-

лар таҳлилий ҳуқуқий саводхонлик даражаси ва ахборотдан фойдаланиш имониятларидаги тафовутлар уларнинг муурожаат этиш ҳуқуқини тўлиқ амалга оширишиға тўқискинлик қилаётганини кўрсатмоқда. Шу боис фуқаролик жамияти институти билан ҳамкорликда Омбудсман институти фаолиятида ногиронлиги бўлган шахслар учун хизматлардан фойдаланишдаги мавжуд тўқисқиларни бартараф этиш, уларнинг муурожаат қилиш имониятларини кенгайтиришға қаратилган “Инклюзив Омбудсман” лойиҳасини йўлга қўйиш, шунингдек, мазукур йўналишда аниқ “Йўл харитаси” ва индикаторларни ишлаб чиқиш белгиланган.

Аҳоли муурожаатлари билан ишлаш бугун шунчаки ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёни эмас, балки давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳоловчи муҳим мезонға айланган. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида эришилган натижалар, қонунчиликдаги янгиликлар, рақамлаштириш имониятларининг кенгайиши ва муурожаатлар асосида қабул қилинаётган таъсир чоралари бу соҳада тизимли ишлар олиб борилаётганини кўрсатмоқда. Айни пайтда муурожаатлар таҳлилий ҳали ечимини кутаётган масалалар — ҳуқуқий хабардорлиқни ошириш, қуйи бўғинларда маъсулият ва натижадорликни кучайтириш, шунингдек, аҳолининг барча қатламлари учун муурожаат этиш имониятларини янада кенгайтириш зарурлигини ҳам аққол намоеъ қилмоқда.

Шу маънода, 2026 йилда давлат дастурида белгиланган вазибалар ва Омбудсман институти томонидан илгари сурилаётган устувор йўналишлар бир мақсадға — инсонни эшитиш, унинг муаммоларига ечим топиш ва адолатни таъминлашға хизмат қилади. Зеро, ҳар бир муурожаат ортида бир инсоннинг тақдирини, бир оиланинг дарди, бир худуднинг ечимини кутаётган масаласи бор.

Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман).

Семинар

Қизғин баҳслар, қайтий тақлифлар

Олий Мажлис Сенатида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридagi фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курси тингловчилари учун навбатдаги ўқув-семинар ташкил этилди.

Тингловчиларға Сенат фаолияти, унинг ташкилий тузилмаси, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида атрофли ҳал маълумот берилди. Бу орқали маҳалла тизими вакилларининг давлат бошқаруви институти фаолияти тўғрисидаги билим ҳамда қўникмаларини мустаҳкамлашға алоҳида эътибор қаратилди.

Шундан сўнг Сенатнинг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова иштирокида очик мулоқот бўлиб ўтди. Унда маҳалла институтиларини ривожлантириш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёшлар, хотин-қизлар ва кескарлар ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан тингловчиларнинг фикр-мулоҳазалари ҳамда амалий тақлифлари кенг муҳокама қилинди.

Эслотий ўтиш жоизки, Сенат қўмиталари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари тингловчилари ўртасида изчил шериклик йўлга қўйилган. Ушбу ҳамкорлик доирасида ҳафтанинг муайян кунда сенаторлар иштирокида мунтазам равишда амалий семинарлар ташкил этиб келинмоқда.

«Халқ сўзи».

Сенат кўмитасида

МАРКАЗИЙ БАНК ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБИ

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитасининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2025 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи дастлабки тарзда қўриб чиқилди.



Кайд этилганидек, Марказий банкнинг 2025 йилдаги фаолиятида асосий эътибор иқтисодиётда нархлар барқарорлигини таъминлаш, инфляция даражасини пасайтириш ва уни ўрта муддатли 5 фоизлик мақсадли кўрсаткичга яқинлаштириш, пул-кредит сиёсати самарадорлигини ошириш, шунингдек, молиявий барқарорликни мустақамлашга қаратилди.

Хисобот даврида мамлакат иқтисодиёти барқарор ўсишни намойён этиб, ялпи ички маҳсулот 7,7 фоизга ошган. Умумий инфляция пасайиб, йил якунида 7,3 фоизни ташкил этди ва 2024 йилдаги нисбатан 2,5 фоизга камайган. Базавий инфляция ҳам 5,7 фоизгача секинлашган.

2025 йилда Марказий банкнинг асосий ставкаси 14 фоиз даражасида белгиланиб, йил давомида ушбу даражада сақлаб қолинди. Пул бозоридagi операциялар ҳажми 783 трлн. сўмни ташкил қилди.

Молиявий секторда ижобий натижалар кайд этилди. Жумладан, банклар активлари 925 трлн. сўмни, иқтисодиётга кредит

кўйилмалари 653 трлн. сўмни ташкил қилди, ажратилган кредитлар ҳажми 390 трлн. сўмга етди. Микро, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун 131 трлн. сўм кредит ажратилиб, 3,46 млн. кишининг бандлиги таъминланган.

Банк тизими барқарорлиги кўрсаткичлари яхшиланиб, капитал монандлиги 18,3 фоизни ташкил этди ва белгиланган минимал талаблардан юқори даражада сақланди. Муаммоли кредитлар улуши 4 фоиздан 3 фоизгача пасайди.

Валюта бозорида ижобий динамика кузатилиб, миллий валюта АКШ долларига нисбатан 6,9 фоизга мустақамланди. Халқаро захиралар ҳажми 66,3 млрд. долларга етиб, 61 фоизга ошди.

Тўлов тизимлари ва рақамли молиявий хизматларни ривожлантириш борасида ҳам сезиларли ўсиш кайд этилди. Хусусан, мобил иловалар орқали амалга оширилган операциялар ҳажми 646 трлн. сўмни ташкил қилиб, 1,6 баробар кўпайган.

Мажлисида мазкур ҳисобот сенаторлар томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, инфляция даражасини янада пасайтириш, пул-кредит сиёсати воситаларини тақомиллаштириш, молиявий барқарорликни мустақамлаш, тўлов тизимлари хавфсизлигини таъминлаш ҳамда киберхавфсизлик чораларини кучайтириш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Муҳокама якунида кўмита томонидан тегишли қарор қабул қилинди.

МУҲОКАМА МАРКАЗИДА – ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ОБЪЕКТЛАРИ ҲОЛАТИ

27-28 апрель кунлари Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси Сайёра Абдиқаримова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қорақалпоғистон Республикасининг қатор туманларида ирригация ва мелiorация объектлари ҳолатини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишларни ўрганди.

Мазкур жараёнда Нукус шаҳридаги “Телеорай” МФЙда аҳоли томонларининг сув таъминотини яхшилашга қаратилган ишлар кўздан кечирилди, маҳалла фаоллари билан мулоқот ўтказилди. Шунингдек, Тахитот туманидаги “Эски Кенегес” каналда олиб борилаётган реконструкция ҳолати ўрганилди.

Канални бетонлаштириш орқали сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув ҳамда электр энергияси тежалишига эришиш мақсад қилинган эътироф этилди. Бундан ташқари, Хўжайли туманидаги 680 гектар майдонга хизмат кўрсатувчи “Ойбек” насос станцияси фаолияти билан таъминланди. Ҳозирда объектда насос агрегатларини энерготехжамкор турларга алмаштириш орқали электр энергияси тежалишига эришиш мумкинлиги кайд этилди.

Ўрганиш якунида худудлардаги мелiorация объектлари, жумладан, фермер хўжаликлари ерларидаги коллектор-дренаж тармоқлари ҳолати таҳлил қилиниб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, коллекторларни тозалаш ва таъмирлаш, сув чиқариш тизимлари самарадорлигини ошириш бўйича тегишли тавсия ва таклифлар берилди.

29 апрель куни эса Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси мажлиси ўтказилиб, унда Қорақалпоғистон Республикасида ирригация ва мелiorация объектлари ҳолатини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган даврида ирригация ва мелiorация объектларида қурилиш, реконструкция ҳамда таъмирлаш ишлари учун Давлат бюджетидан 200,1 млрд. сўм маблағ ажратилган. Унинг ҳисобидан 66 км. канал ва 40 км. коллектор-дренаж тармоқлари қурилган ҳамда реконструкция қилинган, шунингдек, 687 км. тармоқларда таъмирлаш ишлари бажарилган.

Амалга оширилган ишлар натижасида 11,8 млн. куб метр сув йўқотилишининг олди олинган, 18,5 минг гектар ернинг сув таъминоти ҳамда 7,2 минг гектар ер майдонларининг мелiorатив ҳолати яхшилانган.

Худудда 260,7 минг гектар сугориладиган

ган майдонларда сув тежовчи технологияларга ўтилган бўлиб, улар жами майдоннинг 51 фоизини ташкил этди. Йил якунига қадар ушбу кўрсаткични 58 фоизга етказиш режалаштирилган.

Сув ҳўжалиги соҳасини рақамлаштириш ва бошқарув тизимини модернизация қилиш доирасида 995 та “Ақлли сув” ва 1,3 мингта “Дайвер” қурилмаси ўрнатилгани, шунингдек, 7 та йирик сув ҳўжалиги объектида автоматлаштирилган бошқарув тизими жорий этилгани айтилди.

Мажлисида сенаторлар ва кўмита экспертлари томонидан соҳадаги муаммоларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, сув ҳисобини юритишни рақамлаштириш ҳамда олдинги йилларда ер майдонларида жорий этилган сув тежовчи технологиялар ҳолатини хатловдан ўтказиш ишлари якунланмагани, шунингдек, сугориш тармоқларини бетонлаштириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси тўлақонли таъминланмагани танқид остига олинди.

Сенаторлар сув, асосан, тупроқ ўзани қаналларда йўқотилаётгани сабабли ушбу тармоқларни бетонлаштириш орқали йўқотишларнинг олдини олиш, сув ҳўжалиги иншоотларини реал вақт режимида назорат қилиш ва автоматлаштирилган мониторинг тизимига ўтказиш ишларини тўлиқ якунлаш бўйича таклиф ҳамда тавсияларини берди.

Йиғилишда сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш, сувни тежаш ва каналларни бетонлаштириш ишларини молиялаштириш мақсадида хорижий грант ҳамда инвестиция маблағларини жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, илгор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда сув тежовчи технологияларни қўллаш ва фойдаланиш бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш, соҳадаги мутахассислар укувини тизимли ошириб бориш чораларини кўриш мўҳим экани айтиб ўтилди.

Муҳокама якунида кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

«ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ» ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ИЖРОСИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси томонидан Тошкент вилоятида 2024-2025 йилларда ўтказилган “Ташаббусли бюджет” жараёнлари доирасида голиб деб топилган лойиҳаларнинг ижроси ўрганилди.

Ўрганиш

Хусусан, вилоят бўйича 2024 йилда 513 та, 2025 йилда эса 470 та лойиҳа голиб деб топилган. Ўтган йили голиб лойиҳаларнинг 71 фоизда ишлар якунланган бўлса, 136 та лойиҳа бўйича ишлар ҳали ҳам давом этмоқда.

Таҳлилларга кўра, 2024 йилда вилоятда 4 410 та лойиҳа таклиф этилиб, шундан 3 410 таси овоз бериш босқичига ўтказилган. Жами 790 мингга яқин овоз берилган, қиймати 574 млрд. сўмлик 513 та лойиҳа голиб бўлган. Ўтган йилда эса 4 518 та лойиҳа илгари сурилиб, 3 295 таси овоз бериш босқичи

ча ўтказилган ҳамда қиймати 594 млрд. сўмлик 470 та лойиҳа голиб деб топилган.

Ўрганишлар давомида ишчи гуруҳ Олмалиқ ва Ангрэн шаҳарлари ҳамда Оҳангарон туманида бўлиб, қатор ижтимоий аҳамиятга эга объектлар ҳолатини кўздан кечирди.

Таҳлиллар жараёнида айрим лойиҳаларни амалга оширишда камчиликлар мавжудлиги, жумладан, асфальтлаш сифати талаб даражасида эмаслиги ҳамда ишлар белгиланган муддатларда якунланмаётгани аниқланди.

Хусусан, “Ташаббусли бюджет” доирасида Олмалиқ шаҳридаги “Намуна” МФЙнинг ҳам 3 120 метр

ички кўчалари, жумладан, Гулистон кўчасининг 230 метр қисмини таъмирлаш режалаштирилиб, 2024 йилнинг кузига асфальтлаштириш лозим эди.

Шунингдек, ушбу кўчада оқова сув тизимини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари ҳам режага киритилган. Мазкур лойиҳа юзасидан аҳоли муносабатлари жойига чиқиб ўрганилганда, Гулистон кўчасининг 230 метр қисмида йўл таъмирлаш вақтинча тўхтатилгани, ишлар маҳалланинг бошқа ички кўчаларида давом эттирилиб, тўлиқ таъмирдан чиқарилгани аниқланди.

Айни пайтда Гулистон кўчасида оқова сув тизими билан боғлиқ қуриш ишлари якунланмаган, шу сабабли пудратчи ташкилот томонидан ушбу худудда асфальт қопламасини ётқизиш амалга оширилмаган. Қурилиш ва таъмирлаш тўлиқ якунланганидан сўнг белгиланган тартибда

ушбу кўча қисмига асфальт қопламаси ётқириш бўйича туман масъулларига тегишли топшириқлар берилди.

Бундан ташқари, худудда олиб борилаётган ўрганишлар давомида маҳалладан ўтувчи ариқдан оқова сув оқими ва у худудга бадебўй тартиб, аҳолига ноқулайлик туғдираётгани маълум бўлди. Оқова сув тармоғидаги носозлиқни бартараф этиш юзасидан туман мутасаддиларига тегишли қўрсатма берилди. Мазкур муаммони ҳал қилиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди.

Ўрганишлар якуни бўйича лойиҳалар ижросини жадаллаштириш, ишлар сифатини ошириш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан тегишли таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди, масъул идораларга аниқ вазифалар белгилаб берилди.

«Халқ сўзи».

Гендер тенгликни таъминлашга замонавий ёндашувлар

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Осийё тараққиёт банки (ОТБ) билан ҳамкорликда тижорат банкларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат кенгашлири учун семинар ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Оригул Қозихонова ва кўмита аъзоси Малика Қодирхонова қатнашди.

Тадбир

Тадбирда Марказий банк, тижорат банклари, маслаҳат кенгашлири, тегишли вазирлик ва идоралар, халқаро ҳамда ривожланиш бўйича ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Семинар давомида банк-молия тизимида гендер тенгликни таъминлашнинг замонавий ёндашувлари, маслаҳат кенгашлири фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва услубий асосларини тақомиллаштириш, уларнинг институционал бошқарувидаги ролини кучайтириш, шунингдек, гендер сиёсатини амалиётга таъбиқ этишини самарали механизмларини кенгайтириш масалалари муҳокама марказида бўлди.



Хусусан, иш жойларида тенг имкониятларни таъминлаш, хотин-қизларнинг касбий ва раҳбарлик салоҳиятини ривожлантириш, меҳнат муҳитини янада тақомиллаштириш, институционал ҳисобдорликни кучайтириш, гендер кўрсаткичларини мониторинг қилиш ва ҳисобот юритишнинг замонавий ёндашувларини жорий этиш масалалари

га алоҳида эътибор қаратилди.

Семинар доирасида миллий ва халқаро тажриба алмашиш, илгор амалиётларни қўриб чиқиш, шунингдек, тижорат банклари фаолиятида гендер тенгликни таъминлаш борасидаги ишларни янада тақомиллаштиришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

“Каркидон” сув омбори худудидagi янги туризм мажмуаси ҳамда Марғилон шаҳридаги “Бурхониддин Марғиноний” илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг очилши Фарғонанинг туризм ҳамда маданий мерос салоҳиятини янги босқичга олиб чиқмоқда. Бу лойиҳалар нафақат сайёҳлар оқимини ошириш, балки хизматлар экспорти, янги иш ўринлари ва худудий брендини шакллантиришга хизмат қилади. Айниқса, тарихий меросни замонавий туризм инфратузилмаси билан уйғунлаштириш мамлакатнинг халқаро имижини мустақамлашди.

Кува туманидаги 1-сонли техникум ва Фарғона шаҳридаги “IT Park Uzbekistan” мажмуасига таширф инсон капиталига сармоя энг мўҳим стратегик устуворлик эканини кўрсатди. Ёшларни замонавий касблар, хорижий тиллар, IT, сўнъий



интеллект ва стартап муҳитига жалб этиш келгусида юқори даромадли иқтисодиёт учун мустақам кадрлар базасини яратишга, бу эса “ресурсларга эмас, билимга таянган иқтисодиёт” моделига ўтишнинг амалий ифодасидир.

Фарғона шаҳридаги Инвесторларга хизмат кўрсатиш маркази ва “Ягона миллий лойиҳа бошқаруви ахборот тизими” эса инвестиция муҳитини очиб, тезкор ва шаффолаштиришга хизмат қилмоқда. “Ягона дарча” тамойили асосида инвесторлар учун қулай рақамли муҳит яратилиши, йирик халқаро лойиҳаларнинг шаклланиши ва худуднинг глобал иқтисодий алоқаларга фаол интеграциялашуви Янги Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг мўҳим белгисидир.

Шу маънода, вилоятда рўёбга чиқарилаётган мазкур лойиҳалар мамлакатимизда худудларни комплекс ривожлантириш бўйича шаклланган янги ёндашуving амалдаги ифодаси, десак, айни ҳақиқат. Ҳар бир объект — саноат корхонаси, агромажмуа, туризм маркази, техникум ёки IT-парк бўлишидан қатъи назар, аввало, инсон манфаати, янги иш ўринлари, барқарор даромад ва замонавий ҳаёт сифатини таъминлашга қаратилган.

Албатта, ташриф давомида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, биз, депутатлар ҳам жойлардаги мавжуд имкониятларни чуқур таҳлил қилиш, истиқболли лойиҳаларни тезлаштириш ва аҳоли фаровонлигига бевосита таъсир этувчи қўнунларни ишлаб чиқишда фаол бўлаемиз.

Мавлуда ИБРАГИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



интеллект ва стартап муҳитига жалб этиш келгусида юқори даромадли иқтисодиёт учун мустақам кадрлар базасини яратишга, бу эса “ресурсларга эмас, билимга таянган иқтисодиёт” моделига ўтишнинг амалий ифодасидир.

Фарғона шаҳридаги Инвесторларга хизмат кўрсатиш маркази ва “Ягона миллий лойиҳа бошқаруви ахборот тизими” эса инвестиция муҳитини очиб, тезкор ва шаффолаштиришга хизмат қилмоқда. “Ягона дарча” тамойили асосида инвесторлар учун қулай рақамли муҳит яратилиши, йирик халқаро лойиҳаларнинг шаклланиши ва худуднинг глобал иқтисодий алоқаларга фаол интеграциялашуви Янги Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг мўҳим белгисидир.

Шу маънода, вилоятда рўёбга чиқарилаётган мазкур лойиҳалар мамлакатимизда худудларни комплекс ривожлантириш бўйича шаклланган янги ёндашуving амалдаги ифодаси, десак, айни ҳақиқат. Ҳар бир объект — саноат корхонаси, агромажмуа, туризм маркази, техникум ёки IT-парк бўлишидан қатъи назар, аввало, инсон манфаати, янги иш ўринлари, барқарор даромад ва замонавий ҳаёт сифатини таъминлашга қаратилган.

Албатта, ташриф давомида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, биз, депутатлар ҳам жойлардаги мавжуд имкониятларни чуқур таҳлил қилиш, истиқболли лойиҳаларни тезлаштириш ва аҳоли фаровонлигига бевосита таъсир этувчи қўнунларни ишлаб чиқишда фаол бўлаемиз.

Мавлуда ИБРАГИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ – ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган ислохотлар изчил давом этмоқда. Президентимиз раислигида жорий йилнинг биринчи чораги якунида ҳамда йил якунига қадар устувор вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга оид зарур чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Акс садо

Йиғилишда мамлакатимиз иқтисодиётида ижобий ўсиш суръатлари сақланиб қолаётгани кайд этилди. Айниқса, бюджет даромадларининг сезиларли ўсиши ва маҳаллий бюджетларда қўшимча маблағлар шаклланиши худудларнинг молиявий мустақиллигини оширишда мўҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса жойларда аҳоли муаммоларини ҳал қилиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Шу билан бирга, эришилган натижаларга маҳлиё бўлиб қолмасдан, мавжуд камчилик ва муаммоларни танқидий баҳолашга алоҳида эътибор қаратилди. Айрим худудларда кичик бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш борасида самарадорлик пастлиги, кредит ресурсларидан тўлиқ ва мақсадли фойдаланилмаётгани танқид қилинди. Бу ҳолатлар ҳар бир раҳбардан иш услубини ўзгартириш, ташаббускорлик ва маъсулятини кучайтиришни талаб этади.



Шу ўринда айтиш жоизки, бугунги кунда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг асосий драйверларидан бири ҳисобланади. Айни нуктага назардан, кредит ажратиш жараёнларига замонавий ёндашувларни, жумладан, сўнъий интеллект имкониятларини жорий этиш орқали маблағларнинг самарадорлигини ошириш мўҳим аҳамиятга эга. Бу нафақат янги иш ўринлари яратишга, балки тадбиркорлик муҳити янада шаффоқ ва адолатли бўлишига хизмат қилади.

Йиғилишда инфляцияни жилловлаш масаласига ҳам алоҳида урғу берилди. Дарҳақиқат, иқтисодий ўсиш аҳоли ҳаётида сезиларли натижа бериши учун нарх-наво барқарорлиги таъминланиши шарт. Бугунги глобал вазиятда нефть нархининг ошиши, логистика занжирларидаги узилишлар ички бозорга босим ўтказаятган бир пайтда маҳаллий

ишлаб чиқаришни кенгайтириш энг тўғри ечимдир.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, кишлоқ ҳўжалигида самарадорликни ошириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш каби масалалар ҳам долзарбдигича қолмоқда. Бу йўналишларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳолини сифатли ва арзон маҳсулотлар билан таъминлашда мўҳим ўрин тутди.

Шунингдек, саноатни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва инвестицияларни самарали ўзлаштириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Айрим худудларда саноат кўрсаткичларининг бажарилмаётгани, экспорт ҳажмининг пасайиши мутасаддилар олдида жиддий талаблар қўяди. Бу борада ҳар бир лойиҳанинг сифати, унинг иқтисодиётга қўшадиган қиймати

устувор мезон бўлиши зарур.

Ўз навбатида, Қонунчилик палатаси амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратиб, ўтган даврда қатор мўҳим қўнунларни қабул қилди. Уларда тадбиркорлар манфаатлари ҳимояси, бизнес вакилларига янада қулайлик яратиш, фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиршини таъминлаш, сўҳат-саломатлигини мустақамлаш масалалари устуворлик касб этаётгани эътиборга молик.

Албатта, бу борадаги ишлар келгусида янада фаоллашади. Депутатлар жойлардаги муаммоларни ўрганиш, қўнунчиликни тақомиллаштириш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида бор куч ва имкониятларини сафарбар этади.

Рискул СИДДИҚОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

устувор мезон бўлиши зарур.

Ўз навбатида, Қонунчилик палатаси амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратиб, ўтган даврда қатор мўҳим қўнунларни қабул қилди. Уларда тадбиркорлар манфаатлари ҳимояси, бизнес вакилларига янада қулайлик яратиш, фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиршини таъминлаш, сўҳат-саломатлигини мустақамлаш масалалари устуворлик касб этаётгани эътиборга молик.

Албатта, бу борадаги ишлар келгусида янада фаоллашади. Депутатлар жойлардаги муаммоларни ўрганиш, қўнунчиликни тақомиллаштириш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида бор куч ва имкониятларини сафарбар этади.

Муқаддасхон АҲМЕДОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ШЎХ ЎЙНАГАН ЯРАШАДИ ХОРАЗМНИНГ ЛАЗГИСИГА!



Фестиваль

Қадимий ва навқирон Хивада ўтказилган "Лазги" III халқаро рақс фестивали ниятсизга етди. Президентимизнинг 2020 йил 28 сентябрдаги "Лазги" халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, воҳага ташриф буяраётган хорижий сайёҳлар орасида бой маданий меросимизни кенг тарғиб қилиш ва шу орқали "Арт" туризмни ривожлантириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни янада

мустақамлашга қаратилган мазкур санъат байрамида дунёнинг 30 дан ортиқ давлатларидан 300 дан зиёд рақс санъати усталари, таниқли хореографлар, олимлар ва маданият соҳаси вакиллари иштирок этди. Анжуман тадбирларини хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари кенг ёритиб борди.

Фестиваль саҳнасида Хоразм лазгисининг турли миллат вакиллари томонидан зўр маҳорат билан ижро этилиши жаҳон санъатининг бу ноёб дурдонаси таржима ва изоҳга муҳтож эмаслигини, у элларни элларга, дилларни дилларга боғловчи мустақам восита эканини яна бир бор исботлади.

Умуман, бу замин нафақат бетакрор рақс санъати, балки тарихий обидалари ва ширин-шакор мевалари, ажойиб миллий урф-одат ҳамда анъаналари билан ҳам мени мафтун қилди. Фестиваль доирасида уюштирилган қатор кўргазмалар ва унда акс эттирилган ўзбек хунармандларининг, тасвирий санъат усталарининг асарлари барчамизда катта таассурот қолдирди.

Татанг СУКАРИ, индонезиялик санъатшунос:

— "Лазги" халқаро рақс фестивали — бу маҳорат, истеъдод, гўзаллик байрами. Афсонавий шаҳарнинг бетакрор жозибаси фестивалда шуқуши ва тароватини янада оширди. Миллий либослардаги йигит ва қизларнинг рақслари юксак маҳорат билан ижро этаётганини кўриб қойил қолмасдан илож йўқ. Жўшқин куй ва кўшиқлардан тўлқинланиб, мен билан келган ҳамюртларим ҳамда бошқа чет эллик сайёҳлар қадимий бош кийим — чўғирмани кийиб, рақос ва рақосаларга қўшилиб ўйнашга тушдик.

Эътиборли жиҳати, фестивалда ижро этилган рақсларнинг ҳар бирида ўша халқнинг миллий тарихи, қадриятлари ўз аксини топган. Биз ҳам миллий рақс санъатимиз намуналарини ижро қилдик.

Айрат КАМЕТОВ, Татаристон давлат кўшиқ ва рақс ансамбли бадий раҳбари (Россия):

— Фестиваль доирасида Ўзбекистон рақс санъати фотокўргазмаси, халқ хунармандчилиги махсулотлари ярмаркаси, театрлаштирилган сахналар, миллий таомлар кўргазмаси, либослар намойиши, рақс санъати усталари билан ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари бўлиб ўтди. Қисқача айтганда, мазкур фестивал турли халқларнинг асрлар оша сайқал топиб келган миллий рақс санъатини янада кенг тарғиб этиш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришга хизмат қилди, десак, муболага эмас.

Сўз — фестиваль қатнашчиларига

Гавҳар МАТЁҚУБОВА, Ўзбекистон халқ артисти, профессор:

— Хоразм санъатининг ўзига хос "таширф қоғози" бўлган "Лазги" рақси уч минг йиллик тарихга эга. У ЮНЕСКОнинг Инсоният номодий маданий мероси рўйхатида киритилгани ҳам унинг бетакрор санъат дурдонаси эканидан далолат. Зеро, Президентимизнинг фестивал иштирокчиларига йўлаган табригиде таъкидлаганидек, "Хоразм лазгиси — нафақат миллий рақс, балки халқимизнинг кўп асрлик тарихи, юксак маданияти ва ноёб санъатининг ёрқин ифодасидир". Фестивалдаги ҳар бир ижро, ҳар бир саҳна кўринишида "Лазги"нинг ана шу улғурлиги, теран мазмун-моҳияти ўз ифодасини топди. Айниқса, тарихда маданият ва санъат, адабиёт ҳомийси сифатида ном қолдирган Муҳаммад Раҳимхон Феруз сиймоси гавдалантирилган саҳна кўринишида ижро этилган сурнай лазгиси оҳангига барча рақсга тушди.



лий мусиқа ва рақс санъатига эътибори алоҳида таҳсинга лойиқ.

Фестиваль тадбирлари давомида дунёнинг турли нуқталаридан келган рақс санъати усталари билан фикр ва тажриба алмашидик, дўстлар орттирдик. Эртангамо шаҳар — Хива ҳақидаги таассуротларимиз бир олам. Уни бежиз Шарқ гавҳари деб аташмас экан. Барчаси учун катта раҳмат!

Арман НУРМУХАММАД, ТУРКСОЙ ташкилоти бўлим бошлиғи:

— Хар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган ушбу аънавий фестивалда илк бор қатнашдик. Фестивалда иштирокчилар томонидан зўр маҳорат билан ижро этилган "Хоразм лазгиси" ва бошқа халқларнинг миллий рақсларини томошабинлар давомли олқишлар, гулдурас қарсақлар билан қутиб олди, томошабинларнинг аксарияти рақсга ҳам тушиб кетди.

Шуни таъкидлаш керакки, ТУРКСОЙ ташкилоти ташаббуси билан "Туркий дунё халқ рақслари антологияси" китоби тайёрланмоқда. Бу олти йилдан иборат

бўлиб, олти йил давомида олти давлатда нашр этилди. Мақсад — туркий дунё рақсларини бир тизимга келтириш ва келажак авлодга етказиш. Бу лойиҳани муваффақиятли амалга оширишда мана шундай халқаро рақс фестиваллари муҳим аҳамиятга эга.

Тарона МУРОДОВА, Озарбайжон халқ артисти:

— Ушбу аънавий рақс фестивалини 2022 йилдан буён қузатиб келсам-да, бу йил бевосита қатнашиш насиб қилди. Айтиш жоизки, Хоразм ва озарбайжон рақслари ҳамда мусиқалари шўх, ўйноқлиги билан бир-бирига жуда ўхшаш. Фестивалда "Лазги" рақси ва миллий рақсларимизни ҳам маҳорат билан ижро этдик.

"Лазги" III халқаро рақс фестивалида саҳнага ҳар бир чиқиш ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолашиб борилди. Танловнинг сўнгги кунда иштирокчилар ўз йўналишлари бўйича эътироф этилиб, энг саралар тақдирланди. "Гран-при" соҳиби бўлишга Моҳира Жовлиева (Ўзбекистон) муносиб кўрилди. Танловнинг барча номинациялари бўйича голиблар муносиб тақдирланди.

Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).

Инсонпарварлик — маҳалла тизими учун муҳим мезон

Буюк Британиянинг Оксфорд шаҳрида "Бўлиниш даврида инсонпарварлик" мавзусида сессия ўтказилди. Филантропия ва ижтимоий таъсир соҳасида фаолият юритувчи халқаро экспертлар иштирокида бўлиб ўтган ушбу тадбирда Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакиллари ҳам қатнашди.

Сессияда бугунги дунё қандай мураккаб босқичда тургани ҳамда филантропиянинг роли қандай бўлиши кераклиги очиб берилди. Таъкидланганидек, бугунги кунда дунё ижтимоий тенгсизлик ва турли бўлинишлар даврини бошдан кечирмоқда. Шу нуқтада асосий савол қўйилди: филантропия мавжуд тизимни қўллаб-қувватлаш билан чекландими ёки уни ўзгартиришга қодирми?

Экспертлар хулосасига кўра, замонавий филантропия, бу шунчаки ёрдам эмас, балки тизимли ўзгариш яратадиган куч. Муҳокама давомида бир нечта муҳим йўналишлар ахратиб берилди. Хусусан, филантропия янги гоёларни синаб кўриш ва таваккал қилиш имкониятига эга. Бу унинг энг катта афзаллиқларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, самарали ечим-

лар маҳаллий даражада, яъни одамлар билан биргаликда ишлаш орқали юзага келади. Бу эса Ўзбекистондаги маҳалла тизимининг аҳамиятини янада оширади. Кўп пул ёки ресурс бўлиши шарт эмас, энг муҳими — ўша ресурсни тўғри жойга, ҳақиқий эҳтиёж бор ерга сарфлаш, хатоларни тан олиш ҳамда улардан хулоса чиқариш замонавий филантропиянинг муҳим тамойилига айланмоқда.

Сессияда кўтарилган масалалар, тақлифлар соҳани чуқур англаш ва уларни амалий йўналишга ўтказиш имконини беради. Бу тажриба "Маҳалла" фонди учун глобал тенденцияларни олдиндан ҳис қилиш ва фаолиятни замон талабларига мос равишда ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

«Халқ сўзи».

Сув устида шоли етиштириш — самарали лойиҳа

Қуйи Чирчиқ туманидаги "TCT Fish Cluster" масъулияти чекланган жамияти экинзорида сув устида шоли етиштириш лойиҳаси синодан ўтказилляпти. Бир гектар сув ҳавзасида Филиппин, Таиланд, Хитой ва Вьетнам тажрибаси асосида сузувчи шоли экилиб, инновацион агротехнологиянинг амалий натижалари ўрганилмоқда.

Омилкорлик

— Ушбу усулнинг энг муҳим жиҳати махсулотнинг тўлиқ органик ҳолда етиштирилиши ҳисобланади, — дейди Шолчилик илмий-тадқиқот институти ходими Муҳаммадали Холдаров. — Сабаби ховусларга балиқ учун солинмаган озуқа моддалари, хусусан, аммофос сув муҳитида табиий ўғит вазифасини бажаради. Бундан ташқари, балиқларнинг шоли илдиз тизими билан ўзаро таъсирни ўсимликнинг ўсувчанлиги ва ҳосилдорлигини оширади. Натижада экологик тоза махсулот олинади.

Шу технология асосида етиштирилган гурч аънавий усулдаги махсулотга нисбатан сифати юқорилиги ва нархи ҳамёнболлиги жиҳатдан устунликка эга. Бу эса ички бозорда рақобатбардошликни ошириш билан бирга, экспорт салоҳиятини ҳам кенгайтиришга хизмат қилади.

Эътиборлиси, мазкур тажриба нафақат Қуйи Чирчиқда, балки Фарғона вилоятининг Езёвон, Наманган вилоятининг Мингбулоқ



ҳамда Тошкент вилоятининг Бекобод туманларида ҳам жорий этилаётгани ушбу йўналишнинг истиқболли эканидан далолат беради.

Обтабек ИСРОИЛОВ («Халқ сўзи»).

Таассуф

Қимматга тушаётган сукут

Агар оммавий ахборот воситасида жамиятдаги жиддий муаммо кўтарилсаю тахририят унга муносабат билдиришни сўраб давлат органига ёзма мурожаат қилса, бироқ масъул шахслар масалани белгиланган муддатда ўрганиб чиқиб, ўз фикрини айтиш ўрнига олти ойлаб сукут сақласа — буни қандай тушуниш мумкин? Айниқса, давлатимиз раҳбари бирорта мурожаат эътиборсиз қолмаслигини талаб қилаётган, қонунларимизда ҳам бундай лоқайдлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилган бўлса...

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 7 ва 28-моддалари мазмундан келиб чиқсак, оммавий ахборот воситаларининг мурожаатлари "масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади".

Афсуски, баъзи амалдорлар бу қонун талабини менсимайди, назаримизда. Газетамизнинг ўтган йил 17 октябрдаги 214-сонида "Шаҳар чиройига доғ тушмасин" сарлавҳали мақола эълон қилинган бўлиб, унда оқова сувлар ҳамда уларни тозалаш билан боғлиқ муаммолар ўзгариш ва Қумариқ маҳалларида яшовчи аҳолининг ҳақиқий эътирозига сабаб бўлаётгани тилга олинган эди. Тахририят бу мақолага муносабат билдиришни сўраб Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги А. Абдуҳақимовга (айни пайтда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси) ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими Ш. Умурзоқовга хат йўллади. Аммо ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди ҳамки, бу расмий сўровларга жавоб йўқ. Ваҳоланки, экология билан боғлиқ масалаларга бефарқлик вақт ўтган сари аҳоли учун янгида-янги муаммоларни келтириб чиқариши ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимиз аҳолисининг нуфуси йилдан-йилга осяпти, урбанизация жараёнилари тўғрисида поётахтимиз худуди ҳам кенгайиб борапти. Бу эса чикиндилар муаммоси янада кучайиши мумкинлигидан дарак беради.

Мутасаддилардан тегишли мақолага жиддий ёндашиб, амалий қадамлар ташлаш ва натижа-си бўйича матбуотга жавоб йўллаш, деган умиддамыз. Чунки одамларни қийнаётган муаммо қанчаллик тез ва оқилона ечим топса, етказилаётган зарар ҳам шунча кам бўлади.

Тахририят почтасидан

Иш прокуратурага оширилди

Газетамизнинг шу йил 25 март сонида "Сўзбўямачилик ёхуд баъзи ташкилотларнинг халқ мурожаатларига пажна орасидан қараётгани хусусида" сарлавҳали мақола эълон қилинган ва унда Нурота тумани "Янги ҳаёт" МФЙда яшовчи фуқаро Х. Рўзибоевнинг суюлтирилган газ таъминоти билан боғлиқ мурожаати ўрганилиб, муаммо бартараф этилиши ўрнига кўзбўямачилик йўли билан "ёпиб" юборилгани ҳақида ёзган эдик. Тахририятга мазкур иш юзасидан "Худудгаз-таъминот" акциядорлик жамияти бошқарув раиси ўринбосари Тоҳир Турдиев имзоси билан хат келиб тушди.

Унда маълум қилинишича, туман газ таъминоти бўлими ходимларининг хатти-ҳаракатлари атрофчиликка ўрганиб чиқилган. Ўрганиш давомида "Худудгаз Навоий" филиали "Нуротатумангаз" бўлимининг суюлтирилган газ таъминоти хизматида 2025 йил сентябрь ойгача ишлаб келган уч нафар собиқ ходим истеъмолчилар фойдаланишида бўлган маийий газ баллонларини алдов йўли билан йиғиб олиб, номаълум шахсларга сотиб юборгани аниқланган. Газ таъминоти филиали балансидаги мол-мулкнинг талон-торож қилиниши натижасида тумандаги истеъмолчиларга суюлтирилган газ муддатиде таъкизиб берилмаган ва бу аҳолининг ҳақиқий эътирозини келтириб чиқариб, мурожаатлар сонининг кескин ортишига олиб келган.

Ҳозирги кунда мазкур ҳолат-га ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш мақсадида тегишли ҳужжатлар Нурота тумани прокуратурасига тақдим этилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тергов-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, мурожаатчи Х. Рўзибоев хонадони ўрнатилган тартибда бир донга маийий газ баллониде суюлтирилган газ билан таъминланиб, ўрганиш натижалари тўғрисида унга жавоб хати юборилган.

«Халқ сўзи».

7 — 9 май кунлари поётахтимиздаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси майдонида «Ташкент Flowers Fest — 2026» гуллар фестивали бўлиб ўтади.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 23 403 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; котипбхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Тахририятга келган кўлабмақал тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг сўзсиз берилиши учун обунани расмийлаштарган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов. Мусаҳҳих — С. Исломов.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6